

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI
UNIVERSITETI**

TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI FAKULTETI

TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI KAFEDRASI

QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK: O‘TMISHI, BUGUNI, ISTIQBOLLARI



Respublika ilmiy-amaliy anjumani maqolalar to‘plami

2020-yil 6-noyabr



**“FIRDAVS-SHOH” NASHRIYOTI
TOSHKENT – 2020**

УДК 821,512,133,09 (062)
ББК 83.3 (5Ў) я73
Қ 37

Ushbu to'plam Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti Ilmiy-texnik kengashining 2020-yil 24-dagi 4-sonli yig'ilishi qaroriga asosan nashrga tavsiya etilgan.

Taqrizchilar:

Bahodir Karimov – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yoshlar murabbiyi
Xurshid Do'stmuhammad – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputati

To'plamdan o'rin olgan maqolalarning saviyasi, sifati va ilmiy dalillarning haqqoniyligi hamda mazmuni uchun mualliflar mas'uldirlar.

Tahrir hay'ati

| | |
|----------------------|---|
| Shuhrat Sirojiddinov | f.f.d., professor, ToshDO'TAU rektori |
| Akmal Saidov | O'zR FA akademigi, yu.f.d., professor |
| Muhammadjon Xolbekov | f.f.d., professor (SamDCHTI) |
| Uzoq Jo'raqulov | f.f.d., professor (ToshDO'TAU) |
| Ulug'bek Hamdamov | f.f.d. (ToshDO'TAU) |
| Gulnoz Xalliyeva | f.f.d., professor (O'zDJTU) |
| Qosimboy Ma'murov | f.f.n., professor (ToshDO'TAU) |
| Dilnavoz Yusupova | f.f.d., dotsent (ToshDO'TAU). |
| Bahodir Xoliqov | f.f.f.d., ToshDO'TAU (<i>mas'ul muharrir</i>) |
| Mahmadiyor Asadov | ToshDO'TAU tayanch doktoranti (<i>mas'ul kotib</i>) |
| Zebo Sabirova | ToshDO'TAU o'qituvchisi (<i>mas'ul kotib</i>) |

Qiyosiy adabiyotshunoslik: o'tmishi, buguni, istiqbollari (matn) Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari тўплами. – Т.: “Firdavs-Shoh” nashriyoti, 2020. – 284 bet.

ISBN 978-9943-6695-8-1

Mazkur anjuman materiallariga filologiyaning bugungi kunda dolzarb deb qaralayotgan qiyosiy adabiyotshunoslik, tarjimashunoslik va komparativistika masalalariga oid ilmiy maqola va tezislari kiritilgan. To'plamdan o'rin olgan maqolalarda qiyosiy adabiyotshunoslikning umumnazariy va uslubiy muammolari, o'zbek mumtoz adabiyoti, qiyosiy mifologiya va folklorshunoslik, o'zbek adabiyoti jahon badiiy tafakkuri kontekstida o'rganilishi, o'zbek va jahon adabiy aloqalari, tarjimashunoslik va tarjima tanqidi kabi dolzarb masalalar yoritilgan. Filologiya sohasiga oid ilmiy nashrlari bilan ilm ahli nazariga tushgan ustoz-olimlar: filologlar, pedagoglar, adabiyotshunos va tarjimashunoslar bilan bir qatorda, shu jabhalarda ilmiy kuzatishlarini endigina boshlagan tadqiqotchilar, doktorantlar va magistrantlarning ham tadqiqot natijalari mazkur to'plamda tartiblangan.

To'plam adabiyotshunoslik, jumladan, qiyosiy adabiyotshunoslik sohasida tadqiqot olib borayotgan hamda shu sohaga qiziquvchi keng kitobxonlar ommasiga mo'ljallangan, shuningdek, “Qiyosiy adabiyotshunoslik” fanini o'qitishda oliy o'quv yurti talabalari uchun ham qo'shimcha manba sifatida foydalanish mumkin.

УДК 821,512,133,09 (062)
ББК 83.3 (5Ў) я73

ISBN 978-9943-6695-8-1

© “Firdavs-Shoh” nashriyoti, 2020

ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ СУҲБАТНИНГ ЎРНИ

Шоира АҲМЕДОВА,
филология фанлари доктори, профессор,
Бухоро давлат университети

Аннотация: Мақолада адабий танқид жанрларидан бири адабий-танқидий суҳбат ва унинг француз адабиётшунослигидаги баъзи намуналари ҳақида фикр юритилади. Чунки суҳбат адабий танқидчиликнинг алоҳида бир жанри сифатида ўзига хос хусусиятларга, табиатга эга. Суҳбат адабий танқиднинг энг қизиқарли жанрларидан биридир. Бу жанр кўп асрлик анъаналарга эга бўлиб, унинг илдизлари Сукрот, Афлотун суҳбатлари ривожланган қадимги юнон адабиётига бориб тақалади. Шунинг учун ҳам бу жанрни тадқиқ этиши долзарб вазифалардан биридир.

Калим сўзлар: адабий танқид, жанрлар, адабий суҳбат, суҳбатдош, рақиб, мунозара, қиёсий таҳлил

Суҳбат адабий танқиднинг энг қизиқарли жанрларидан биридир. Бу жанр кўп асрлик анъаналарга эга бўлиб, унинг илдизлари Сукрот, Афлотун суҳбатлари ривожланган қадимги юнон адабиётига бориб тақалиши маълум. Бу жиҳатдан француз адабиётига назар ташласак, фаранг файласуфи Дени Дидро ижодини шаклий жиҳатдан кузатганда, унда суҳбатларнинг турли хиллари учраши ва бу файласуфнинг эстетикасида катта ўрин тутишини кўрамиз. Унинг “Никоҳсиз туғилган ўғил” ҳақида суҳбатлар” (“Суҳбатлар”- “Дорваль билан суҳбатлар”) асари ўз даврида жуда машҳур бўлган ва юқори баҳо олган¹. Бу асар “Никоҳсиз туғилган ўғил” деб номланган драмаси билан бирга нашр этилган.

“Суҳбатлар” Дидро учун сеvimли бўлган шакл – диалогда ёзилган. Диалогдаги икки овоз Дидронинг фалсафий-эстетик қарашлари - унинг ички диалектика (ҳаракат ва ривожланиш) сидаги муҳим ўзига хосликни акс эттиради. Баъзан бир-бирини рад этиб, баъзан мурасага келиб, “суҳбатдошлар” маърифий реализмнинг аҳамиятли хусусиятларини, масалан, характерлар ва вазиятларнинг ҳаққонийлиги ҳамда ўзаро боғлиқлиги; шахсий ҳаётдаги кундалик воқеаларга қизиқиш; санъатнинг одамларга ахлоқий таъсири зарурлиги кабиларни маъқуллайдилар.

Суҳбатда эстетика, драматургия, сахна асарлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади. Суҳбат Д.Дидро ва унинг суҳбатдоши Дорваль иштирокида олиб борилади. Бир қанча тадқиқотчилар Дорвалнинг прототипи Ж.Ж.Руссо бўлган деб ҳисоблайдилар². Ана шунинг ўзи бу суҳбатларнинг адабий-танқидий характерга эга эканлигини кўрсатади.

Суҳбатлардаги Дорваль албатта Дидронинг қарашларини ифодалайди, маълум даражада унинг иккинчиси - киёфадоши сифатида етук Дидронинг эстетикаси намоён бўлган ўша полифоник диалогдаги овозлардан фақат биттаси ҳисобланади. Иккинчи овоз “Суҳбатлар”да ҳатто яширинча иштирок этади.

Дидро томошабин ва танқидчи сифатида Дорваль аниқ ҳаётий ҳақиқатлар деб ҳисоблаган нарсаларнинг сахнада ҳаётий ҳақиқатларга риоя қилинмаётганлигига эътибор қаратади. Демак, санъатдаги ҳақиқат билан ҳаёт ҳақиқати бир-бирига мос келмайди, шунинг учун ҳам уларни бадий акс эттиришнинг қонунлари мавжуд. Кейинчалик Дидро ўзининг “Суҳбатлар”идаги бош вазифа ҳақиқий далил билан тўқиб чиқарилганлари орасидаги, ҳаққоний персонажлар билан тўқима образлар орасидаги, ҳақиқатан ҳам айтилган фикрлар билан тасаввур қилинган нутқ орасидаги фарқларни кўрсатиб беришдан иборат эди айтган эди¹. (Таржима бизники- Ш.А.).

¹ Дени Дидро. Эстетика и литературная критика. М: “Худ-ная лит-ра”. 1980. С.599.

² Дени Дидро. Эстетика и литературная критика. С.600.

¹ Бахмутский В. Эстетика Дидро. В кн: Дени Дидро. Эстетика и лит-ная критика. С.18.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, “Сухбатлар”да зўрға эшитилган иккинчи овоз Дидронинг кейинги “Драматик поэзия ҳақида” трактатида тўла куч билан янграйди. Бу асарда Дидро “Сухбатлар”да айtilган фикрларни давом эттиради ва ривожлантиради.

Бошқа обзор характеридаги асарида бир картина ҳақида фикр юритар экан, унда ҳам сухбатдан фойдаланади. Ёш ижодкор Нежон билан учрашуви, санъат ҳақидаги сухбатлари, мунозаралари тасвирланади. Обзор ичида сухбатнинг берилиши асарга самимийлик, табиийлик бахш этган ва унинг ўқимишли чиқишига ёрдам берган. Дидро билан шогирди ўртасидаги диалог ҳақиқатан ҳам 1767 йил бадиий кўрғазмалар Салонида рўй берганлиги ҳақида Нежоннинг ўзи гувоҳлик берган экан².

Унинг “Актёр ҳақида парадокс” асари эса сухбат-диалог шаклида ёзилган. Биринчи сухбатдош иккинчи сухбатдош билан театр, актёрлик маҳорати ҳақида сухбатлашадилар. Унда бир-бирининг фикрини рад этиш, мунозара йўсини устувор.

Умуман олганда, файласуф Дидронинг кўпчилик асарлари курилишининг турли-туманлиги билан ажралиб туради. Масалан, “Салонларда” асарида хат шаклидан, диалогдан, сухбат ва очерклардан фойдаланилган. Аслини олганда, ўзининг “Салонларда” асари билан Д.Дидро янги маърифий адабиётда янги жанр - даврнинг илғор эстетик қарашларини, унинг реалистик демократик санъат учун курашини, унинг юқори социал ва ахлоқий пафосини аниқ акс эттира олган бадиий танқид жанрини яратган.

Адабий-танқидий сухбатнинг белгиларидан бири унда сухбат олиб борувчи икки киши – танқидчи билан ёзувчи ёки шоир билан адабиётшунос олим бўладими, қатъи назар бир-бирининг кўзига қараб, чин дилдан мулоқотда бўлади. Шунинг учун назаримизда, бу жанрда ёлғонларга, ҳар хил тушунмовчилик орқасида келиб чиқадиган кескин мунозараларга ўрин йўқ. Тўғри, баъзида сухбатдошларнинг қарашлари бир-бирига тўғри келмаслиги, улар бир-бирини рад этиши мумкин. Барибир, улар сухбатининг моҳияти адабиёт учун курашдан иборат ва шунга хизмат этади. Шу билан бирга адабий-танқидий сухбат санъати орқали сухбатдошларнинг шахс сифатидаги характерларнинг муҳим белгилари очилади.

Сухбат турли шароитларда ҳам ўзининг яшовчанлик хусусиятини сақлаб қола билади. Масалан, унда икки сухбатдошнинг қиёфаси, қалби яққол кўриниб туради. Сухбатларни ўқир экансиз, сухбатдошларнинг адабиёт ҳақидаги қарашлари, фикрлашлари, бадиий ва илмий тафаккур тарзи, адабий жараёнга, бадиий асарга, адабий муаммоларга муносабати ёрқин намоён бўлиб туради.

Бу жанр бошқа халқлар адабиётида ҳам фаол эканини кузатиш мумкин. Масалан, инглиз ёзувчиси ва танқидчиси Роберт Пен Уорреннинг “Как работает поэт” китоби мақолалар, интервьюлар ва сухбатлардан ташкил топган. Булар Уоррен сухбатлари “Харви Брайт билан сухбат” (1950), “Автоинтервью” (1953), “Қочоқлар билан учрашув. Вандер билт университетидаги сухбат” (1956), “Бадиий наср санъати ҳақида сухбат” (1957), “Нью-Йорк штатидаги Юнион коллежи талабалари билан сухбат” кабилардан иборатки, уларни тадқиқ этиш ҳам келажакдаги вазифалардан биридир.



² Дени Дидро. Эстетика и литературная критика. С.618.

МУНДАРИЖА

I. QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIKNING NAZARIY VA USLUBIY MUAMMOLARI

| | |
|---|----|
| Акмал САИДОВ. “Қиёсий адабиётшунослик” тушунчасининг таърифи, талқини ва таснифи ҳақида айрим мулоҳазалар..... | 3 |
| Акмал САИДОВ. XX аср бадиий адабиётида глобаллашув муаммолари талқини (профессор Муҳаммаджон Холбековнинг илмий-ижодий фаолияти мисолида) | 8 |
| Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ. Қиёсий адабиётшунослик фан сифатида | 13 |
| Гулноз ХАЛЛИЕВА. Адабий компаративистиканинг объекти ва вазибалари..... | 16 |
| Шоира АХМЕДОВА. Ўзбек ва француз адабиётшунослигида адабий-танқидий суҳбатнинг ўрни..... | 19 |
| Shohsanam DAVRONOVA. “Qiyosiy adabiyotshunoslik” fanini o'qitishda interfaol metodlardan foydalanish | 21 |
| Баҳодир ХОЛИҚОВ. АҚШ ва ўзбек романларининг композицион қурилишига доир айрим мулоҳазалар (“Чўқинтирган ота” ва “Шайтанат” асарлари мисолида)..... | 24 |
| Хулқар МУҲАММЕДОВА. Ўзбек ва инглиз адабиётида детектив роман элементларининг акс этиши | 28 |
| Алишер МАҲМУДОВ. Диний бағрикенгликнинг қиёсий таҳлили(Г.Э.Лессинг ва Э.Воҳидов ижоди мисолида)..... | 30 |
| Комилжон ҲАМРАЕВ. Бадиий “учлик” типологиясининг тарихий-назарий хусусиятлари..... | 36 |
| Дилфуза РАСУЛМУХАМЕДОВА. Қиёсий адабиётшуносликда туркий халқлар адабиётидаги асарлар таҳлили ва талқини..... | 39 |
| Улуғбек КЎЧИМОВ. Бадиий психологизмнинг назарий асослари | 43 |
| Санобархон ИСРОИЛОВА. Притча (хикоят)нинг ўзига хос хусусиялари | 47 |

II. O‘ZBEK MUMTOZ ADABIYOTI, QIYOSIY MIFOLOGIYA VA FOLKLORSHUNOSLIK MASALALARI

| | |
|---|-----|
| Дилнавоз ЮСУПОВА. Темурийлар даври арузшунослигида рубоий вазнларига доир қарашларнинг қиёсий таҳлили | 49 |
| Музаффар МАМАТҚУЛОВ. Сайқалининг “Баҳром ва Гуландом” достонида фольклор аңаналари | 52 |
| Yunus AZIMOV. Abdurahmon Jomiyning “Xiradnomai Iskandariy” va Alisher Navoiyning “Saddi Iskandariy” dostonlarida Iskandarning payg‘ambarligi talqini | 58 |
| Nurbek JURAYEV, Izzat NIGMATOV. Maqollar bizning ulkan folklor merosimizdir | 61 |
| Ra’no HAKIMJONOVA. “Mantiq ut-tayr” va “Lison ut-tayr” debochasida koinot motivi | 63 |
| Акмал ЖУМАЕВ. Немис ва ўзбек адабиётида ҳудҳуд образининг ўзига хос талқинлари | 66 |
| Гулбахор НАЗАРОВА. Инглиз адабиётида аждарҳонинг бадиий-мифологик талқини | 69 |
| Гулсанам ҚОСИМОВА. “Бобурнома”да ижодкор шахси ва муаллиф образи..... | 72 |
| Давронбек ОРИПОВ. “Орзигул” достони юзасидан янги қайдлар..... | 75 |
| Дилмурод ДЎСБЕКОВ. “Алпомиш” ва “Манас” дostonларининг қиёсий тадқиқи..... | 79 |
| Зарнигор ДЖАЛИЛОВА. Ғарб ва шарқликларнинг атиргул билан боғлиқ магик-мифологик қарашлари ва аңаналари | 83 |
| Маҳмадиёр АСАДОВ. Афсонавий Сизиф образининг қиёсий тадқиқи: Гомердан Хуршид Дўстмуҳаммадгача..... | 85 |
| Раъно КАЗАКОВА. Отличительные черты фольклорной и литературной сказок | 91 |
| Руфина БОЗОРОВА. Лорелай ҳақида афсона | 93 |
| Сарвиноз АХМЕДОВА. Инглиз эртақларида эпик кўмакчи образи..... | 97 |
| Умида ЭЛОВА. “Гайавата ҳақида кўшиқ” поэмасининг лингвостилистик таҳлили | 99 |
| Шаҳноза УБАЙДУЛЛАЕВА. Жангнома дostonларда тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима масалалари | 102 |